

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ
ҚОНУНИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ КОНСТИТУЦИЯСИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ
ТҮҒРИСИДА**

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 24
ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 6 январда
маъқулланган

1-модда. 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг **Конституциясига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3-4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 162-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 100-модда, № 12/1, 343-модда; 2014 йил, № 4, 85-модда; 2017 йил, № 4, 135-модда, № 5, 201-модда, № 8, 383-модда; 2018 йил, № 10, 674-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 3, 162-модда, № 9, 588-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсан:

- 1) 7-модда иккинчи қисмининг русча **матнидаги** «законодательством, принятым» деган сўзлар «законами, принятыми» деган сўзлар билан алмаштирилсан;
- 2) 33-модданинг русча **матнидаги** «законодательством» деган сўз «законами» деган сўз билан алмаштирилсан;
- 3) 85-модда тўртинчи қисми 8-бандининг русча **матнидаги** «законодательством» деган сўз «законодательными актами» деган сўзлар билан алмаштирилсан;
- 4) 86-модда бешинчи қисми 8-бандининг русча **матнидаги** «законодательством» деган сўз «законодательными актами» деган сўзлар билан алмаштирилсан;
- 5) 93-модда биринчи қисми 16-бандининг ўзбекча **матнидаги** «қонун хужжатлари» деган сўзлар «қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилсан;
- 6) 98-модда учинчи қисмининг ўзбекча **матнидаги** «қонун хужжатларига» деган сўзлар «қонунчиликка» деган сўз билан алмаштирилсан;
- 7) 100-модда саккизинчи хатбошисининг ўзбекча **матнидаги** «қонунларига» деган сўз «қонунчилигига» деган сўз билан алмаштирилсан;
- 8) 107-модданинг **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Ўзбекистон Республикасида суд тизими Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари ва туманлараро маъмурий судлардан иборатdir»;

- 9) 117-модда саккизинчи қисмининг ўзбекча **матнидаги** «қонунларга» деган сўз «қонун хужжатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсан.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирилсан;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.